



SCIENTIFIC RESEARCH ON THE DEVELOPMENT OF SCIENCE IN THE BUKHARA

Juraev Bohodir Turdalievich

Khanate, Ph.D., Associate Professor

Scientific research innovations and
training of scientific-pedagogical personnel
department head.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13913153>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024

Accepted: 09th October 2024

Online: 10th October 2024

KEYWORDS

Sources, works, Khanate of
Bukhara, Shaybani,
Movarounnahr, Timurids,
educational system.

ABSTRACT

Within the framework of historiography, the study of the history of the Bukhara Khanate in different periods has been generalized, systematized and comprehensively studied, recommendations have been developed, scientific research conducted on the system of public administration of the period of Shaibani and Ashtarkhan has been studied and analyzed. from the point of view of historiography.

БУХОРО ХОНЛИГИДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ОИД ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Жураев Боходир Турдалиевич

Т.ф.б.(PhD)., доцент в.в.б.

Илмий тадқиқотлар инновациялар ва
илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13913153>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2024

Accepted: 09th October 2024

Online: 10th October 2024

KEYWORDS

Манбалар, асарлар, Бухоро
хонлиги, Шайбонийлар,
Мовароуннаҳр,
Темурийлар, таълим
tizими.

ABSTRACT

Бухоро хонлиги тарихининг ўрганилиш масаласи турли даврларда амалга оширилган тадқиқотлар тарихшунослик доирасида умумлаштирилди, тизимлаштирилди ва комплекс равишда тадқиқ этилиб, тавсиялар ишлаб чиқилган, Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлик даври давлат бошқаруви тизимига оид амалга оширилган илмий тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил қилинди.

Шайбоний ва Аштархоний сулолалари даврида Бухоро хонлигида илм-фан тараққиёти бошқа соҳаларга нисбатан юқори даражада бўлди. Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Кўчкунчихон, Абдулазизхон, Субҳонқулихон сингари ҳукмдорлар мамлакатнинг маънавий ва маданий қиёфасини юксалтириш мақсадида етарлича ижобий ишларни амалга оширишган. XX аср охири ва мустақилликнинг илк йилларидаёқ Бухоро хонлигидаги илм-фан тарихини ўрганиш янги поғонага кўтарилди. Истеъдодли ва моҳир давлат ҳукмдорлари илм-фан соҳибларини ўз ҳимоясига олиб, хонликда юқори даражадаги илмий муҳитни яратишга эришдилар. Муҳаммад



Шайбонийхон шахсан ўзи томонидан битилган “Девон”, Убайдуллахоннинг ижодига бағишлаган тўплам, аштархоний ҳукмдор Субҳонқулихон каби ҳукмдорлар бу борада кўзга кўринарли ишларни амалга оширишган. Шайбоний Кўчкунчихон буйруғи билан Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари форс тилидан ўзбек тилига тарижима қилидирилган. Умуман олганда бу даврда тарих фани бошқа илм-фан соҳаларига нисбатан анча ривожланди. XVI-XVIII асрга оид тарихий манбаларнинг сони жуда кўплиги бу фикрни исботлайди.

Р.Г.Мукминова¹ Бухоро хонлиги тарихига оид жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борган. Олима 1972-йилда “Самарқанд ва Бухоронинг XVI аср ҳунармандчилиги” мавзусида диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилди. 1976-йилда эса олима ўзининг “Бухоро тарихи” асрини нашрдан чиқарди. Бу асар илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Р. Мукминованинг илмий ишларига рус ва хорижий тадқиқотчилар ҳам юқори баҳо беришган. А.Ю.Якубоский, Н.Д.Миклухо Маклай олиманинг тадқиқотини юқори баҳоладилар, хусусан, илмий ишда форс-тожик тилидаги манбалардан ташқари ўзбек манабалардан ҳам фойдаланганликларини қайд этдилар. Бу манбалар бундан олдинги тадқиқотларда кам жалб этилган эди. Жумладан А. Якубовский олиманинг “Мовароуннаҳр учун теурийлар ва шайбонийлар ўртасидаги кураш” номли диссертациясига “Ҳозирги даврга қадар, ушбу мавзу ҳеч ким томонидан бундай кенг ва атрофлича ёритилмаган”, дея таъриф берган. Япон олимо Хисао Коматсу олиманинг “XVI аср Самарқанд ва Бухоронинг ҳунармандчилик тарихидан лавҳалар” асарини юқори баҳолаб, уни ушбу соҳадаги энг машхур китоб деб кўрсатади².

Тадқиқотчи Б.В.Норик³ XVI асрда шайбоний ҳукмдорларнинг мамлакатдаги адабий муҳитга таъсири ҳақида рисола чоп этди. Тадқиқотда асосий эътибор шайбоний ҳукмдорлар шахсига қаратилган. Абулхайрхон ва Муҳаммад Шайбонийхонлар ўзлари ҳам шеър ва ғазал ёзиб туришлари, адабиёт илми билан шуғулланувчи шоирларни ҳурмат қилишлари ҳақида фикр юритилади. Олим ўз тадқиқотида шайбоний ҳукмдорлар томонидан ёзилган ғазал ва шеърлардан мисоллар келтирган. Умуман олганда шайбоний ҳукмдорлар адабиётга бегона бўлишмаган. Бу сифат албатта, мамлакатда илм-фан ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этган⁴.

Шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида, тиббиёт соҳасида ёзилган асарлар⁵, айниқса кучайди. Уларда илгари сурилган даво усуллари, ташхис қўйиш, дорилар тайёрлаш ўрта аср мусулмон шарқ тиббиётига хос илғор ан`аналар XVI асрда ҳам давом этганидан далолатдир.

Н.Хаников⁶ томонидан нашр этилган рисолада Бухоро хонлигидаги таълим тизимига алоҳида тўзталиб ўтилган. Шайбоний ва аштархонийлар даврида ҳам таълим тизимига алоҳида эътибор берилган. Мадрасалардаги таълим тизими, унда

¹ Мукминова. Р. Г. Култура в XVI в. // История Узбекской ССР. – Т. II. – Ташкент: 1967. – С. 539-549. Ўша муаллиф: Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре. Ташкент: 1976. – 261 с.

² Ўзбекистон ўрта асрларда. Тарих ва маданият. – Тошкент. 2003. – Б.12.

³ Норик Б. В. Роль шибанидских правителей в литературной жизни Мавераннахра XVI в. // Рахматнамэ. – СПб: 2008. – С. 230.

⁴ Ўша асар. – С. 230.

⁵ Зокиров Ш. Маданият юксалган давр // Маърифат газетаси. 2000 йил.

⁶ Ханьков. Н. Описание Бухарского ханства. – СПб: 1843. – С.148.



ўқитиладиган китоблар, ўқиш муддати ҳақида қимматли маълумтлар келтирилган. Бошланғич таълим 7 йилни ташкил этади. Мадрасага 5-7 ёшдан бошлаб қабул қилинади⁷. Н.Хаников мадрасада ўқийдиган талабалар бошланғич курсда ўтиладиган китобларни деярли тушунишмаган. Уларни фақат ёдлаш билан машғул бўлишган деган хато фикрни келтирган бўлиши мумкин. Биламизки XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлиги аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этган ва уларга диний сабоқлар ёшлигидан оиласида берилган бошланган. Шунинг ҳисобига олган ҳолда муаллифнинг фикрига қўшилмаслик учун етарлича асосимиз бор.

Академик В.В.Бартолд, Г. Эте, З. Валидов (Тўғон), Б. Ф. Ғофуров каби тадқиқотчилар Бухоро хонлиги тарихи оид ноёб манба Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” асари устида илмий изланишлар олиб борган⁸. Б.Аҳмедов ушбу манба ҳақида ёзар экан, уни қомусий асар деб атаб, ўрта аср фанининг илми нужум, жавоҳиршунослик, ўсимликшунослик, жуғрофия ва тарих соҳаларини ўз ичига олади деб айтиб ўтган. Асар аштархонийлардан Балх хони Надр Муҳаммадхон топшириғига биноан ёзилган⁹.

Рус тарихчи ва олимлари Бухоро хонлигидаги илм-фан тарихига оид жуда ҳам кўп тадқиқотларни олиб бордилар. Бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. П.П. Иванов¹⁰, А.А. Семёнов¹¹, А.Якубовский¹², В.В. Бартольд¹³, Н.И. Веселовский¹⁴, В. Вяткин¹⁵ каби шарқшунос олимларнинг мақола, монография ва асарлари нашр этилган.

References:

1. Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” асарининг ўрганилиши / Тарихдан сабоқлар. Тошкент: 1994. – Б. 223-234.
2. Иванов. П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.). – Москва: 1958. – С. 251.
3. Семенов А. А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана // Труды Академии наук Таджикской ССР. Т. XII. Вып. 1. 1954. – С. 7-37.
4. Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа [Текст] / проф. А. Ю. Якубовский; Юбилейный ком. Навои при СНК УзССР. – Ташкент: Изд-во УзФАН, 1941. – 18 с.
5. Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. - Л.: Изд-во АН СССР, 1927. – С.262.

⁷ Ўша асар. – С. 211.

⁸ Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” асарининг ўрганилиши / Тарихдан сабоқлар. Тошкент: 1994. – Б. 223-234.

⁹ Ўша асар. – Б. 223.

¹⁰ Иванов. П.П. [Очерки по истории Средней Азии \(XVI – середина XIX в.\)](#). – Москва: 1958. – С. 251.

¹¹ Семенов А. А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана // Труды Академии наук Таджикской ССР. Т. XII. Вып. 1. 1954. – С. 7-37.

¹² Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа [Текст] / проф. А. Ю. Якубовский; Юбилейный ком. Навои при СНК УзССР. – Ташкент: Изд-во УзФАН, 1941. – 18 с.

¹³ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. - Л.: Изд-во АН СССР, 1927. – С.262.

¹⁴ Веселовский Н. И. Иван Данилович Хохлов: (русский посланник в Персию и Бухару в XVII в.). - Санкт-Петербург : тип. В. С. Балашева, 1891. – 27 с.

¹⁵ Вяткин В. Л. Шейхи Джуйбари / В. В. Бартольду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент: 1927. – 566 с.



6. Вяткин В. Л. Шейхи Джуйбари / В. В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Ташкент: 1927. – 566 с.